2018 ЙИЛ 15 МАРТ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (13.648)

Баҳоси эркин нархда

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 март куни қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш ва соҳани замонавий техникалар билан таъминлаш бўйича ишлар натижадорлиги, мавжуд муаммолар ва энг долзарб вазифалар таҳлилига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча жабҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳам муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олиш, тармоқни илғор усуллар асосида ривожлантиришда соҳанинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, машина-трактор паркларини замонавий техника ва агрегатлар билан таъминлаш муҳим ўрин тутади.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрдаги "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тизими тубдан қайта ташкил этилди.

Тармоқнинг техникавий базасини такомиллаштириш мақсадида "Ўзагротехсаноатхолдинг", қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш бўйича "Ўзагротехмаш", лизинг асосида етказиш бўйича "Ўзагролизинг", сервис ва механизация хизматлари кўрсатиш учун "Ўзагросервис" жамиятлари тузилди. Машина-трактор паркларининг бюджет олдидаги қарзларини тўлаш муддати 2 йилга кечиктирилди.

Жиззах, Сирдарё, Тошкент ва Наманган вилоятларида фермерлар учун лизинг муддати 10 йилдан 12 йилга, машина-трактор парклари учун 7 йилдан 10 йилга узайтирилди. Фермерлар ва машина-трактор паркларига қишлоқ хўжалиги техникасини сотиб олиш учун 5 фоизли имтиёзли кредитлар ажратилди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва лизинг хизматлари 1,7 баробар, механизация хизматлари 2,5 баробар ортди.

*(Давоми 2-бетда)*

***Хабар қилинганидек, мамлакатимиз раҳбарининг Остонага амалга ошириладиган ташрифи доирасида Шавкат Мирзиёев Қозоғистонда Ўзбекистон йилининг очилиш маросимида иштирок этади.***

## ЯҚИН ҚЎШНИЛАР, ҲАМКОР ВА ҚАРДОШЛАР

2017 йил сентябрь ойида давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Нурсултон Назарбоевнинг Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви чоғида 2018 йили Қозоғистонда Ўзбекистон йилини ҳамда 2019 йили Ўзбекистонда Қозоғистон йилини ўтказиш ташаббуси илгари сурилган эди. Шуни таъкидлаш жоизки, бу оддий рамзий ишора эмас, балки олий даражадаги алоқаларнинг сезиларли даражада фаоллашгани ва давлатларимиз етакчиларининг қатъий сиёсий иродаси бундай қарорга асос бўлган эди.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили дастури кенг қамровли тадбирларга бой, улардан кўзланган асосий мақсад – икки халқ ўртасидаги қардошлик ришталарини мустаҳкамлаш.

Масалан, Остонада Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилишини ўтказиш мўлжалланмоқда. Тажриба алмашиш ҳамда бевосита ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш учун Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг қатор вилоятлари делегациялари ташрифи кутилмоқда. Қўшма бизнес форумлари, минтақаларнинг алоҳида жиҳатлари ҳамда имкониятларини акс эттирадиган саноат маҳсулотлари кўргазмаларини ташкил этиш режалаштирилаяпти. Шунингдек, томонлар Қўшма ишбилармонлик кенгашини таъсис этиш ва унинг биринчи мажлисини Қозоғистонда ўтказиш ниятидадир.

Сайёҳлик соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Мисол учун, Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива ҳамда Чимкент –Туркистон – Остона ва аксинча йўналишлардаги сайёҳлик дастурини ишга тушириш мўлжалланмоқда. Ўзбеклар заминида жуда кўп сонли муқаддас қадамжолар ҳамда диний ёдгорликлар мавжудлиги назарда тутилган ҳолда, Ўзбекистон бўйлаб зиёрат туризмини оммалаштириш бўйича Қозоғистоннинг қатор шаҳарларида тақдимот маросимлари ўтказилиши кутилмоқда. Икки мамлакат бизнес субъектлари ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида сайёҳлик форуми ва "Made in Uzbekistan" бренди остида эсдалик буюмлари ярмаркасини ташкил этиш режалаштирилган.

*(Давоми 2-бетда)*

**Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги**



## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 10 мартдаги фармойишига биноан шу йилнинг март-апрель ойларида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, 18-19 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланган.***

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлигини ва умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш бўйича қатор ишларни амалга оширишни режалаштирмоқда.

Жумладан, ҳашар кунлари 44 минг гектарга яқин майдонларни ободонлаштириш ва тозалаш, 27 минг километрга яқин узунликдаги ариқ ва лотокларни тозалаш, 8 мингдан ортиқ қабристон, 760 дан зиёд зиёратгоҳ ва қадамжоларни ободонлаштириш, тартибга келтириш, 18 миллионга яқин дарахтни оқлаш ва уларга шакл бериш, шу билан бирга, 12 миллионга яқин манзарали, 10 миллиондан ортиқ мевали кўчат, 14 миллиондан ортиқ гул кўчати ўтказиш кўзда тутилган.

*(Давоми 4-бетда)*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Давлат тузилмаси ва давлат чегаралари дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига оғишмай риоя этиш, жамиятдаги миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, тинчлик ва осойишталик – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг ҳамда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати мамлакатнинг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, иқтисодий ва мудофаа салоҳиятини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимида алоҳида ўрин тутади.

Шу билан бирга, Миллий хавфсизлик хизматининг мақоми, вазифалари ва ваколатлари доирасини аниқ белгилаб берувчи қонун ҳужжати яратилмай туриб, унга миллий хавфсизликни таъминлашнинг барча жиҳатлари юклатилгани ушбу идоранинг давлат органлари фаолиятининг барча соҳаларига асоссиз аралашувига шарт-шароит яратиб берди.

Мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги устувор йўналишлар, давлат ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ислоҳ қилиш борасидаги вазифаларни самарали амалга ошириш давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси вазифаларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати сифатида қайта ташкил этилсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (бундан буён Хизмат деб юритилади) фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Хизматнинг махсус ваколатли давлат хавфсизлик органи сифатидаги ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини аниқ белгилаб берувчи мустаҳкам қонунчилик базасини яратиш;

бугунги кундаги хавф-хатарлар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакл ҳамда услубларини жорий этиш;

юзага келаётган ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазиятни инобатга олган ҳолда давлат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда мавжуд куч ҳамда воситалардан самарали фойдаланиш имконини берувчи ташкилий тузилмани шакллантириш;

Хизмат фаолиятини давлат хавфсизлигини таъминлаш ишларининг шакл ва услублари, шунингдек, Хизмат ҳарбий хизматчиларининг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этувчи конспирация тамойили асосида ташкил этиш;

фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этилишини кафолатлайдиган таъсирчан механизмларни жорий қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг манфаатларини муносиб ҳимоя қилишга қодир, ҳар томонлама етук ва ватанпарвар ёшларни Хизматга жалб этишга қаратилган кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мутлақо янги тизимини яратиш;

меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш, уй-жой ва маиший шарт-шароитларни яхшилаш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш орқали Хизмат ҳарбий хизматчиларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш.

3. Хизматнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишни таъминлаш, мазкур соҳада қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига тажовузларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ҳамда уларга барҳам бериш бўйича разведка ва контрразведка фаолиятини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари ва мудофаа-саноат мажмуасини давлат хавфсизлигига хавф-хатарлар ҳамда таҳдидлардан ҳимоя қилиш, мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича стратегик ташаббусларни амалга оширишда иштирок этиш;

терроризм, экстремизм, уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этишга қаратилган бузғунчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга барҳам бериш;

иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва ахборот соҳаларида давлат хавфсизлигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси халқининг тарихий-маданий ва бой маънавий меросини ҳимоя қилиш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи коррупция ҳолатларига қарши курашиш;

телекоммуникация ва транспорт соҳасида давлат хавфсизлигини таъминлаш, фавқулодда ҳолатларни юзага келтирувчи омилларнинг олдини олиш, аниқлаш ва уларга барҳам бериш;

Хизмат тергов қилиш ваколатига кирувчи жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув ва дастлабки тергов олиб бориш ва тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларда давлат сирлари сақланиши, махсус алоқа хавфсизлигининг таъминланиши ҳамда ахборотларни криптографик ҳимоя қилишни ташкил этиш устидан назоратни амалга ошириш;

давлат манфаатлари ва хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

Хизматнинг жанговар ва сафарбарлик тайёргарлиги ҳолатини такомиллаштириш ва сақлаб туриш, куч ва воситаларни фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳамда ҳарбий ҳолат жорий қилингандаги ҳаракатларга тайёрлаш.

4. 2018 йил 1 апрелдан қуйидаги функциялар:

Ўзбекистон Республикасининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида қўриқлашнинг техник воситаларини лойиҳалаш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича ишларни бажаришга рухсат бериш – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига;

режимли мудофаа объектларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш учун лицензия талабгорларига рухсат этилганлиги ҳақида маълумотнома бериш – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига ўтказилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сон "2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан "Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда қонун лойиҳасини қайта ишлаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хизмат билан биргаликда бир ой муддатда 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, байроқ ва эмблемадан фойдаланиш тартиби Хизмат раиси томонидан тасдиқланади.

8. Хизмат икки ой муддатда:

Хизмат фаолиятини ташкил этиш;

Хизматнинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари лойиҳаларини киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Хизмат ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2018 йил 14 март*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонига 1-илова*

### Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғининг ТАВСИФИ




Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғи барқарорлик, матонат, содиқлик, фидойилик ва мардликни ифода этувчи тўқ кўк рангли тўғри бурчакли мато кўринишига эга.

Байроқ марказида геральдик белги – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг эмблемаси тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати байроғининг узунлиги – 250 см, эни – 125 см.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон Фармонига 2-илова*

### Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати эмблемаси – геральдик белги ТАВСИФИ




Геральдик белги – Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати эмблемаси тўқ кўк рангли айлана тасмаси бўлган кумуш ранг доирадан иборат.

Айлана тасманинг юқори қисмида оқ рангли бош ҳарфлар билан лотин алифбосида: "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI", пастки қисмида: "DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI" деб ёзилган. Ушбу ёзувлар ҳурлик маъносини англатувчи саккиз қиррали иккита юлдуз билан ажратилган.

Доира марказида давлат ва жамиятни ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш рамзини англатувчи, пастки қисми чўзилган, юқори бурчаклари кесилган учбурчак кўринишига эга қалқон тасвирланган. Қалқон юзаси кумуш рангда. Қалқоннинг марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат гербидан қалқоннинг камбар ҳошияларига қадар қуёш нурларини ифодаловчи тўғри чизиқлар тортилган.

Қалқоннинг кесилган икки юқори ва пастки бурчакларида шахс, жамият ва давлат манфаатлари муҳофазасини англатувчи учта ҳалқа тасвирланган.

Қалқон ортида симметрия ўқи бўйича тиғи пастга йўналтирилган қилич жойлашган. Қилич куч, шаън, адолат, жасорат ва ҳушёрликни англатади.

Қилич кумуш рангда. Қилич дастаги еттита ҳалқадан иборат бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятининг асосий тамойилларини англатади.

Қалқон ва қилич ортида симметрик равишда икки томонга ҳилпираётган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тасвирланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг қалқон ва қилич ортида жойлашуви конституциявий тузум, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлигини англатади.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАШИНАСОЗЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш, сервис хизматини яхшилаш, импортни оптималлаштириш, экспортни кенгайтириш бўйича муайян камчиликлар мавжудлиги, қишлоқ хўжалиги техника билан 85 фоиз таъминланганини, маълум қисми эскирганини, уларни ўз вақтида янгилаш чоралари кўрилмагани қаттиқ танқид қилинди. Белгиланган вазифаларнинг ижросини ўз вақтида назорат қилмагани учун Бош вазир ўринбосари – "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Н.Отажоновга ҳайфсан берилди. Ишда йўл қўйган сусткашлиги ва жиддий хатолари учун "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосарлари – "Ўзагросервис" акциядорлик жамияти бош директори Р.Аҳмедов, "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти бош директори Ҳ.Имомов, Вазирлар Маҳкамаси Ахборот-таҳлил департаменти мудири А.Рафиқов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди.

Бугунги кунда тармоқда 172 мингдан ортиқ техникага талаб бўлгани ҳолда, 146 мингта техника мавжуд ёки 26 мингта техника етишмайди.

Фермер хўжаликларининг юқори унумли ҳайдов тракторлари билан таъминланиши 75 фоизни, ғалла ўриш комбайнлари – 86 фоиз, пахта териш машиналари – 28 фоиз, қўшқатор чигит экиш сеялкалари – 60 фоиз, дон экиш сеялкалари билан таъминланиши 25 фоизни ташкил этади. Умуман, етишмайдиган ва эскирган техникани ҳисобга олганда, жами 82 мингта янги қишлоқ хўжалиги техникасига талаб мавжуд.

Дастурга мувофиқ жорий йилда 16 мингта, жумладан, биринчи ярим йилликда 5 минг 800 техникани кредит асосида етказиб бериш белгиланган.

Йиғилишда қишлоқ хўжалиги техникасига талабни тўлиқ таъминлаш мақсадида "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти, Молия ва Қишлоқ хўжалиги вазирликларига икки ой муддатда 2018–2021 йилларда қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича дастур ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Бунда қишлоқ хўжалиги техникасини харидорларга етказиб беришни молиялаштириш бўйича чора-тадбирларни ҳам назарда тутиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари пахтачилик, боғдорчилик ва узумчиликда баҳорги дала ишлари бошланай деб турган бўлса-да, 5 минг 800 та техникадан фақат 1 минг 200 таси фермерлар ва машина-трактор паркларига етказиб берилганига эътибор қаратди. Шунингдек, Сирдарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида қўшимча ажратилган 4 мингта техниканинг 30 фоизи ўз эгаларига етказилган.

– Замонавий техника деҳқонга сув ва ҳаводек зарур бўлиб турган шу кунларда бу борадаги эҳтиёж бор-йўғи 25 фоиз таъминланганини қандай тушуниш мумкин, – деди Президент. – Техника – фермернинг қўл-қаноти. Унга талаб таъминлансагина моддий манфаатдорлик ошиб, харажатларни кескин камайтиришга эришилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, баҳорги агротехник тадбирлар учун режалаштирилган техникани 15 апрелга қадар тўлиқ етказиб бериш бўйича кунлик назорат ўрнатиш ва ижроси ҳақида ахборот бериш топширилди.

– Айни пайтда машинасозлик корхоналари томонидан бутловчи қисмлар ва материалларнинг муайян қисми четдан олиб келиниб, "йирик узелли йиғиш" асосида қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарилмоқда. Ҳайдов трактори, плуг, сеялка каби техникани тайёр ҳолда импорт қилса, бизда ишлаб чиқарилганига нисбатан арзон бўлишини тармоқ раҳбарлари нима деб тушунтиради, – деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз раислигида импорт бўйича яқинда ўтказилган йиғилишда 2018 йилда қишлоқ хўжалик машинасозлигида импортни 160 миллион долларга қисқартириш, бу борада экспорт салоҳиятини ошириш бўйича аниқ топшириқ берилган эди.

Шундан келиб чиқиб, "Ўзагротехсаноатхолдинг" акциядорлик жамияти ва "Ўзагротехмаш" механика заводи билан ҳамкорликда бир ой муддатда трансмиссия, турли корпус деталлари ва агрегатларни юртимизда ишлаб чиқариш орқали қишлоқ хўжалиги техникасини маҳаллийлаштиришни 45 фоизга етказиш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқиб, ижросини таъминлаш топширилди.

Давлатимиз раҳбари 2018 йилда лизинг ва кредит асосида жами 3,2 триллион сўмлик 16 мингта қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни молиялаштириш масаласига ҳам алоҳида тўхталди.

Ҳозирги кунда 5 минг 800 техника учун Молия вазирлиги томонидан 1,5 триллион сўм ажратилган. Қолган 1,7 триллион сўмни ажратиш, жумладан, лизинг асосида 1,5 триллион сўмлик техникани молиялаштириш манбаларини аниқлаш масаласини ҳал этиш зарурлиги қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилиш муҳим мезон ҳисобланади. Аммо бу борада кўрилаётган чоралар ҳам қониқарсизлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўтган йили 19 миллион долларлик 844 та техника экспорт қилинган. Йиғилишда "Ўзагротехмаш" акциядорлик жамиятига бундан тегишли хулоса чиқариб, 2018 йилда камида 30 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги техникасини экспорт қилиш, Туркманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Покистон, Озарбайжон, Афғонистон бозорларига кириш бўйича ишларни жадаллаштириш топшириғи берилди.

"Ўзагросервис" тизимидаги машина-трактор паркларининг мамлакатимиз бўйича жами механизация хизматларидаги улуши 2016 йилда 14 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йилда 26 фоизга етган, жорий йилда 41 фоиз бўлиши кутилаётир. Бу соҳада ижобий ўсишга эришилаётганидан далолатдир. Бироқ бу натижалар билан қаноатланиб қолмай, механизация хизматлари ҳажмини ошириш, бунда қишлоқ хўжалиги техникасига сервис хизмати кўрсатиш, эҳтиёт қисмларни махсус шохобчалар орқали ўз вақтида етказиб бериш учун жамиятнинг жойлардаги филиалларини кўпайтириш кераклиги қайд этилди.

Йиғилишда фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун бериладиган имтиёзли кредит таркибида механизация хизмати улушини ошириш бўйича асосланган таклифларни киритиш топширилди.

Шунингдек, машина-трактор парклари томонидан кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш, механизация хизматларининг ҳар бир йўналиши бўйича қатъий нархларни белгилашга оид меъёрий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш, тармоқни жадал ривожлантириш учун долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш, энг муҳими, фермерларни замонавий техника ва агрегатлар билан узлуксиз таъминлаш, уларнинг манфаатдорлиги ва розилигини ошириш юзасидан кўрсатма ва топшириқлар берилди.

**ЎзА**

# "ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида стратегик вазифалар ва энг муҳим ислоҳотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши нафақат давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар фаолиятини ҳам такомиллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев 2017 йил 22 декабрда Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатиб берди.

Давлат раҳбари томонидан Конституция ва қонун нормаларига оғишмай риоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тамойилини сўзсиз амалга ошириш, бошқа органларнинг функцияларини бажариш ва такрорлаш ҳолатларига йўл қўймаслик вазифалари қўйилган эди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон** хавф-хатар ва таҳдидларга самарали тарзда қарши курашишга қодир махсус хизматнинг замонавий қиёфасини белгилаган ҳолда, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимига асос солди.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати этиб қайта ташкил қилинди. Идоранинг номидан "миллий хавфсизлик" тушунчасининг чиқарилиши унинг ваколатлари асоссиз тарзда кенгайишига шарт-шароит яратган омилларни бартараф этиш зарурати билан боғлиқ. Чунки локал миқёсдаги ҳар қандай муаммо миллий хавфсизликка таҳдид сифатида кўрилиши мумкин эди. Мазкур ўзгартириш ушбу идоранинг диққат-эътиборини давлат аҳамиятига эга реал таҳдидларга қаратади. "Давлат хавфсизлиги" атамаси хавфсизликни таъминлаш доирасини аниқ белгилайди ва мазкур соҳадаги фаолият йўналишларини ажратиб беради.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизмати Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ва манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилувчи махсус ваколатли орган этиб белгиланди.

Давлат хавфсизлик хизмати фаолиятини ташкил этишнинг устувор йўналишлари белгиланди.

**Биринчидан,** мазкур идоранинг мақоми, ваколатлари ва фаолият йўналишларини белгилаган ҳолда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида"ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш назарда тутилмоқда. 26 йил олдин қабул қилинган Миллий хавфсизлик хизмати тўғрисидаги амалдаги низом фаолиятни самарали ташкил этишга имкон бермайди ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришларни акс эттирмайди.

**Иккинчидан,** бугунги кундаги хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг таъсирчан шакллари ҳамда услубларини жорий этиш, шу мақсадда идоранинг самарали ташкилий тузилмасини шакллантириш зарурлиги белгиланди.

**Учинчидан,** фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига оғишмай риоя этишнинг алоҳида муҳим аҳамияти таъкидланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Давлат хавфсизлик хизмати томонидан инсон ҳуқуқлари қонуний кафолатларининг қатъий таъминланишига устувор аҳамият берилади.

**Тўртинчидан,** кадрларни танлаш ва тайёрлашнинг мутлақо янги тизими ташкил этилади, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади. Мазкур чоралар Давлат хавфсизлик хизматига ҳар томонлама ривожланган ва ватанпарвар ёшларни жалб этишга имкон беради. Шу ўринда идора вакилларининг ҳарбий хизматчи сифатидаги мақоми кўрсатиб ўтилди, мазкур ҳолат уларга нисбатан ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ барча чеклов ва мажбуриятлар татбиқ этилишини англатади.

**Бешинчидан,** Давлат хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини идора ишининг шакллари ва услублари ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг идоравий мансублиги ҳақидаги маълумотлар ошкор бўлишини истисно этадиган конспирация тамойиллари асосида ташкил этиши белгиланди. Бу давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришда мавжуд куч ва воситалардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

Ўзига хос бўлмаган вазифа ва функцияларни истисно қилиш мақсадида Миллий хавфсизлик хизмати ваколатида бўлган айрим рухсат берувчи ваколатлар 2018 йил 1 апрелдан бошқа идораларга ўтказилади ёки тугатилади.

Фармон билан Давлат хавфсизлик хизматининг байроғи ва эмблемаси намуналари тасдиқланди.

**Идоравий рамзларнинг таъсис этилиши ҳарбий хизматчиларнинг жанговор руҳини оширишга ҳамда уларни давлат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини бажаришга сафарбар этишга хизмат қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида давлат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қатор топшириқлар мавжуд. Шу муносабат билан:

идора фаолиятини ташкил этиш, унинг таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва Давлат чегарасини қўриқлаш тизимининг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларини ишлаб чиқиш;

2018–2022 йилларда Давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий хизматчилари учун арзон уй-жойларни қуриш дастурини ишлаб чиқиш назарда тутилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, давлат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатдан янги тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратди.**

**Давлат раҳбарининг мазкур Фармонини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимоя қилиш тизимининг сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилишини таъминлайди.**

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2017-2021










# ЮРТИМИЗ БОЛАЛАРИНИНГ ИСТИҚБОЛИ ЁРҚИН, КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚДИР

**Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги ташаббуси билан "Ўзэкспомарказ"да "Nurli kelajak Expo – 2018" кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ушбу тизим учун озиқ-овқат маҳсулотлари, мебель, дидактик ўйин ва ўйинчоқлар, спорт ва тиббиёт анжомлари, мусиқа асбоблари, ошхона жиҳозлари, озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва тадбиркорлик субъектлари иштирок этди.

Тадбир аввалида ташкил этилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Қосимов, Бош вазир ўринбосари Қ.Акмалов, мактабгача таълим вазири А.Шин ва бошқалар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини тубдан ислоҳ этиш, соғлом ва баркамол авлодни комил инсон қилиб камолга етказиш масаласига муҳим аҳамият қаратилаётганини таъкидлаб ўтишди.

Жорий йилнинг 1 февралидан пойтахтимиздаги давлат мактабгача таълим муассасаларига тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёр овқатларни етказиб бериш бўйича тажриба шаклида туман мактабгача таълим бўлимлари билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишга рухсат берилиб, бу борада бир нечта мактабгача таълим масканларида тажриба ўтказилмоқда.

Хусусан, Сергели, Олмазор, Чилонзор туманларида кетринг усулида овқатлантириш йўлга қўйилди. Ушбу тажрибага кўра бошқа ҳудудлардаги боғчаларда ҳам соғлом овқатланишни ташкил этиш тартибини жорий этиш чоралари кўрилмоқда.

Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга оид қабул қилинган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда болажонларни қамраб олишни янада кенгайтириш, ўқув-тарбиявий жараённинг сифатини ошириш, нодавлат мактабгача таълим масканлари тармоғини кўпайтириш, кадрларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

– "Nurli kelajak Expo –2018" кўргазмасини ушбу йўналишда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин, – дейди Мактабгача таълим вазирлиги матбуот котиби Тўрабек Тўраев. – Мазкур кўргазмани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад, боғча тарбияланувчилари учун озиқ-овқат маҳсулотларини уларни ишлаб чиқарувчи корхоналардан тўғридан-тўғри харид қилишни йўлга қўйиш ҳамда корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ўйинчоқлар, мебеллар ва бошқа жиҳозларнинг сифати, шакли, дизайни, қулайлиги, замонавийлиги ва хавфсизлигини ўрганишдан иборатдир. Кўргазма давомида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тўғридан-тўғри шартномаларнинг имзоланиши режалаштирилган. Энг асосийси эса бу кўргазма келажаги порлоқ, истиқболи ёрқин болажонларнинг нурли эртаси учун мустаҳкам замин яратиши билан бирга, соғлиғини янада муҳофазалашда, онгу тафаккурини теранлаштиришда, уларга қулай шарт-шароитларни яратиш ва бекаму кўст тарбия олишида муҳим аҳамият касб этади.

Мажмуа павильонларида 300 га яқин корхона, фирма ва тадбиркорлик субъектларининг фаолияти билан яқиндан танишиш имконияти яратилган.

– Илк маротаба ташкил этилган бу кўргазма мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш билан бирга, болаларнинг соғлом бўлиб вояга етиши ва ривожланиши учун барча зарур жиҳатларни қамраб олганлиги билан ҳам эътиборга моликдир, – дейди "Yunusjon" хусусий корхонаси раҳбари Жамшид Юсупов. – Корхонамиз деярли йигирма йилдан бери мебель маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Айниқса, болажонлар учун тайёрланаётган мебель жиҳозларининг ўндан ортиқ тури қулайлиги, сифати, рангларнинг танланиши, этика ва эстетикага мос келиши билан ажралиб туради. Кўргазмада бир қанча муассасалар билан ҳамкорлик юзасидан шартномаларни имзолашга муваффақ бўлдик.

Шуни таъкидлаш жоизки, мактабгача таълим тизимида халқаро алоқалар ривожлантирилиб, илғор тажрибалар ўрганилмоқда. Бу борада Жанубий Корея мутахассислари билан ҳамкорликка алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Кўргазмада Жанубий Кореянинг болаларни интеллектуал ривожлантиришга оид ўйинчоқлар тайёрлашга ихтисослашган "Mega Education" компанияси, болалар учун экологик хавфсиз ва қулай мебеллар ишлаб чиқарувчи "Parangsae" компанияси, "Dream Kindergaren" хусусий боғчаси фаолияти билан танишиш имконияти яратилганлиги ҳам иштирокчиларга манзур бўлди.

Икки кун давом этган кўргазма доирасида Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси томонидан болалар учун парҳез таомлар тайёрлаш бўйича маҳорат сабоқлари ўтказилди.

Кўргазмани ташкил этишда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Ўзбекозиқовқатхолдинг" холдинг компанияси, "Ўзбекозиқовқатзаҳира" уюшмаси, "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик юқори самара берди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар**

# ЯҚИН ҚЎШНИЛАР, ҲАМКОР ВА ҚАРДОШЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Жорий йилда Қозоғистоннинг йирик оммавий ахборот воситалари вакиллари республикамизнинг саёҳат индустрияси соҳасидаги имкониятлари билан танишиш ҳамда уларни ёритиш учун Ўзбекистонга келишади. Самарқанд – Остона, Самарқанд – Алмати, Урганч – Остона, Урганч – Алмати, Бухоро – Остона, Бухоро – Алмати йўналишлари бўйича мунтазам авиақатновларни очиш юзасидан иш олиб борилмоқда. Шубҳа йўқки, бу борадаги музокараларнинг муваффақиятли якунланиши ўзаро сайёҳлар оқимини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратади.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳақида тўхталганда, мамлакатларимизнинг янги геосиёсий ва геоиқтисодий шароитлардаги ҳамкорлиги истиқболларига бағишлаб ўтказиладиган йирик илмий-амалий конференцияни алоҳида қайд этиш жоиздир. Икки давлат ўқув муассасалари кадрлар тайёрлаш ҳамда қайта тайёрлаш соҳасида ўзаро шерикликни йўлга қўйишмоқчи. Ўзбек кинематографлари кинофестивалларда қатнашиш ва ўзларининг ижодий маҳсулотларини намойиш қилиш учун Қозоғистонга боришади.

Атроф-муҳитни муҳофаза этиш ўзаро ҳамкорликнинг яна бир истиқболли йўналиши ҳисобланади. Хусусан, сайғоқларни асраш, кўпайтириш ҳамда уларнинг барқарор яшаши таъминланиши учун чора-тадбирларни кучайтириш мақсади белгилаб олинган. Ичимлик сувининг сифати бўйича тармоқ идоралари мутахассисларидан иборат қўшма ишчи гуруҳни тузиш бўйича музокаралар бошланади.

Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида режалаштирилган тадбирлар рўйхати юқоридагилар билан кифояланмайди, қолаверса, 2018 йил билан чегараланиб ҳам қолмайди. Тошкент ва Остона олдида кенг қамровли ишлар турибди: улар икки мамлакатни барча даражаларда ва йўналишларда янада яқинлашишига, бутун Марказий Осиёда уйғун ривожланишнинг таъминланишига имконият яратади.

2019 йил Ўзбекистонда Қозоғистон йили бўлишини ҳам қайд этиш жоиз. Буларнинг барчаси икки томонлама муносабатларни кенг кўламда ривожлантириш бўйича қардош халқлар интилишларининг муштараклигидан далолат беради.

**"Жаҳон" АА**

Реклама ўрнида

UZTELECOM

## “ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК “ТШТТ” ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

*азиз ҳамшаҳарларимизни тўкин-сочинлик, хотиржамлик ва тотувлик рамзи бўлган Наврўз айёми билан самимий қутлайди. Ватанимиздаги тинчлик, оилаларимиздаги тотувлик, дастурхонларимиздаги тўкинлик бардавом бўлсин. Кўнгилларга қувонч улашаётган байрам нашидаси ҳеч биримизни тарк этмасин!*



## ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР!

*Барчангизни табиатга илиқлик, кўнгилларга ёруғлик бахш этувчи айём – Наврўз байрами билан қутлаймиз! Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг ишига ривож, хонадонига қут-барака тилаймиз. Ҳар бир эзгу ишда омад ёр бўлсин. Баҳорий хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб, чеҳрангиздан табассум асло аримасин.*

**РЕСПУБЛИКА “ҲУНАРМАНД” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**

QQB | QISHLOQQURILISHBANK

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

*Барчангизни она табиатнинг янгиланиши, яшариши рамзи бўлмиш кўҳна ва навқирон Наврўз айёми билан самимий муборакбод этамиз. Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик тилаймиз. Озод ва обод Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин. Қалбингиздан Наврўз шукуҳи ҳеч қачон аримасин!*

Фурсатдан фойдаланиб, шуни ҳам эслатиб ўтмоқчимизки, **“QISHLOQQURILISHBANK”** акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар минтақавий филиали бугунги кунда аҳолига ва ўз мижозларига жаҳон стандартлари даражасида банк хизматларини кўрсатмоқда. Аҳолининг талабларига кўра ва юридик ташкилотлари лойиҳаларига молиялаштиришнинг барча манбаалари орқали кредит маблағлари ажратилмоқда. Шу билан бирга **“Банк-мижоз”, “Интернет-банкинг”, “СМС-банкинг”, “Мобиль-банкинг”** тўлов тизимлари жорий қилинган бўлиб, терминал орқали **“chine unipay”** халқаро пластик карточкаларига хизмат кўрсатиб келинмоқда. Миллий валютадаги маблағлар хорижий валюталарга конверция қилиниб, чет мамлакатларга пул ўтказмалари амалга оширилмоқда.

*Қадрли юртдошлар!*
*Банкимиз хизматларидан фойдаланинг.*

*Хизматлар лицензияланган*

## “ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

азиз ҳамшаҳарларимизни тўкин-сочинлик, хотиржамлик ва тотувлик рамзи бўлган Наврўз айёми билан самимий муборакбод этади. Ватанимиздаги тинчлик, оилаларимиздаги фаровонлик, дастурхонларимиздаги тўкинлик бардавом бўлсин. Кўнгилларга қувонч улашаётган байрам нашидаси ҳеч биримизни тарк этмасин!



**Фурсатдан фойдаланиб шаҳримиз аҳолисини содир бўлиши мумкин бўлган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларга қатъий риоя қилишингизни илтимос қиламиз:**

— газ асбобларининг беҳуда ишлаб туришига йўл қўйманг ва қаровсиз қолдирманг;
— ностандарт газ асбобларидан фойдаланманг;
— газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларида тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланинг;
— агарда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария-диспетчерлик хизматларига (Мирободтумани — 254-15-61, М.Улуғбек тумани — 267-46-24, Чилонзор тумани — 278-09-99, Яшнобод тумани — 296-39-61, Яккасарой тумани — 255-49-59, Шайхонтоҳур тумани — 242-39-26, Юнусобод тумани — 212-52-25, Олмазор тумани — 248-35-48, Сергели тумани — 258-84-33, Учтепа тумани — 274-44-34, Бектемир тумани — 295-14-43) ёки “ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА ҲУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ ФИЛИАЛИ Марказий авария-диспетчерлик хизматига 104; 255-44-27, 255-44-29, 253-56-19, 253-56-31 телефон рақами орқали мурожаат қилинг.

**Ҳурматли истеъмолчилар!**
**Сизларга яна шуни эслатиб ўтамизки, газ ҳисоблагичлар қуйидаги муддатларда Давлат қиёслаш текширувидан ўтказилиши шарт:**

— аҳоли хонадонларига ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар тўрт йилда;
— корхоналарга ўрнатилган газ ҳисоблагичлар ҳар икки йилда.

Шуни эсдан чиқармангки, табиий газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш ҳамда сарфланган газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш Тошкент шаҳар газ тармоқларини ўз вақтида созлаш ва таъмирлаш имкониятини яратади.

## Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

(Давоми. Боши 1-бетда)

Фонд томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ва умумхалқ хайрия ҳашари кунлари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" акцияси ўтказилиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига беминнат мурувват ёрдамлари кўрсатиш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, 20 мингдан ортиқ кам таъминланган оиланинг уй-жойларини ҳашар йўли билан таъмирлаш ва тартибга келтириш, 26 мингдан зиёд эҳтиёжманд оила, шундан 11 мингдан ортиғи ногирон ва ёлғиз қария, 2 мингдан зиёд уруш ва меҳнат фронти фахрийси ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатиш белгиланган.

Мазкур тадбирларни амалга оширишда 18 миллиондан ортиқ фуқаро иштирок этади. Шулардан 10 миллионга яқини ёшлардир.

Бундан ташқари, мазкур вазифаларни юқори савияда бажариш мақсадида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказишни ташкил этиш, олиб бориладиган ишларни таҳлил қилиш ва мувофиқлаштириш, белгиланган тадбирларнинг тўлиқ ҳамда сифатли ижросини таъминлаш мақсадида "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳузурида Республика ишчи гуруҳининг штаби ташкил этилади.

Ишчи гуруҳи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги якунига қадар ҳар душанба куни ҳудудларда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳашар муносабати билан ўтказиладиган маблағларни уюшқоқлик билан тўплаш ҳамда уни мақсадли сарфлаш юзасидан тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритиб боради.

Маҳалла раиси раҳбарлигида ишчи гуруҳи тузилиб, аниқ чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади. Маҳалладаги 8 та комиссия, хусусан, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия раҳбарлари ва аъзолари кўча ва қишлоқларга ҳашарни ўтказиш бўйича бириктирилади.

Ёшлар иттифоқи билан биргаликда Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга пухта тайёргарлик кўриш, аҳоли, айниқса, ёшлар онгига "Ободлик кўнгилдан бошланади" деган нақлни чуқур сингдириш билан уларни ушбу жараёнларга кенг жалб этиш чоралари кўрилади.





## УМУМХАЛҚ ҲАШАРИГА ТАРАДДУД ҚИЗҒИН

Бундан ташқари, мамлакат бўйича 8982 та маҳалла биноси атрофларини ободонлаштириш, дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш режалаштирилган.

Фонддан маълум қилинишича, умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан бир кунлик иш ҳақини "Маҳалла" хайрия жамоат фонди республика бошқаруви ҳамда унинг жойлардаги ҳудудий бўлим, бўлинмаларининг банкдаги ҳисобрақамларига ўз вақтида ўтказишни таъминлашда қатор тушунмовчилик ва муаммоларга дуч келинмоқда.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 августдаги фармойишига асосан 19-20 август кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари муносабати билан "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг бўлим, бўлинмалари ҳисобрақамларига бир кунлик иш ҳақи маблағларини тўлиқ тушириш лозим эди. Лекин фармойишга зид равишда Фарғона вилояти ҳокимининг 2017 йил 26 августдаги фармойишига асосан барча бюджет ташкилотларида меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими ҳисобрақамига ўтказилган.

Бу каби ҳолатлар бошқа вилоятларда ҳам кўзга ташланган.

Ҳар йили умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиб, республика миқёсида жуда кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Бироқ аксарият дарахтлар қаровсизлик натижасида нобуд бўлмоқда. Яна бир камчилик эса дарахтлар экиладиган жойлар нотўғри танланиши, сув таъминоти оғир бўлган ерларга сув кўп истеъмол қиладиган дарахтлар экилишидир. Натижада амалга оширилган ишлардан ҳеч қандай самара бўлмаяпти.

Ушбу камчиликлар такрорланмаслиги учун фонд томонидан ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда санитария ҳолатини яхшилаш бўйича вазифалар маҳалла фаоллари орқали кенг жамоатчиликка етказилиб, мазкур ҳолатларга нисбатан эътиборсиз, бефарқ бўлмаслик юзасидан аҳолига тушунтиришлар ташкил этилади ҳамда экиладиган дарахт кўчатларини агроном ва мутахассислар тавсиялари асосида экилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳа, Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди томонидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ҳамда умумхалқ хайрия ҳашарини юқори савияда ташкил этиш учун қизғин иш олиб борилмоқда.

**Б.АЙТМУРОДОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

"Хорижий ва маҳаллий ОАВларда юксак ҳуқуқий тафаккурни, инсон ҳуқуқлари маданиятини, жамоатчилик назоратининг инновацион шакл ва механизмларини кенг тарғиб этиш" мавзусида давлат грантлари ажратиш учун

### ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг қуйидаги мақсадларни назарда тутган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа-буюртманомалари қабул қилинади:**

1. Мамлакат парламенти қабул қилган янги қонунлар, Президент фармонлари, қарорларининг асосий жиҳатларини кенг оммага етказишнинг самарали инновацион шакл ва механизмларини татбиқ этиш.
2. Қонунларнинг инсонлар ҳаётига реал таъсир даражаси ва аҳоли билан мулоқотнинг янги усулларини, қонунларнинг ижтимоий муносабатларни бевосита тартибга солишдаги роли ва аҳамиятини юксалтиришнинг инновацион усулларини жорий этиш.
3. Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказишнинг инновацион шаклларини амалиётга киритишга кўмаклашиш.
4. Жамиятда юксак ҳуқуқий маданиятни, қонун ва инсон ҳуқуқларига ҳурмат муносабатини шакллантириш бўйича ҳамкорликдаги дастурларни самарали амалга ошириш.
5. Қонун лойиҳаларининг эксперт ва жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш, жумладан, махсус телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар уюштириш, интернет ва босма нашрларда мақолалар чоп этиш.
6. Давлат органлари билан ҳамкорликда ОАВлар материалларининг профессионал, мафкуравий ва бадиий даражасини юксалтириш дастурларини амалга ошириш.
7. Ёш журналист ва техник ходимлар маҳорати ҳамда ижодий фаоллигини юксалтиришда ижтимоий шерикликни кучайтириш.
8. ОАВларнинг фуқаролар, айниқса, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий, социал-ҳуқуқий онгига ижобий таъсирини кучайтириш.
9. Коммунал, савдо ва хизмат кўрсатиш, умумий овқатланиш соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш ва жамоатчилик назоратининг инновацион усулларини рўёбга чиқариш.
10. "Давлат органлари халқ хизматида" шиори остида жамиятда ҳуқуқий маданиятни ва аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтиришга, қонунга ҳурмат, жиноятчиликка муросасизлик туйғусини кучайтиришга кўмаклашиш.
11. Давлат органларида мурожаатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш.
12. Эрта ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини ОАВларда кенг ёритиш.
13. Аёллар ва болаларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва социал-маънавий қўллаб-қувватлашда давлат органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш.
14. "Адолат қонун устуворлигида", "Аҳоли мурожаатлари – доимий эътиборда" шиорлари остида қонун ҳужжатларининг ижроси ҳамда давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали механизмлари ва амалиётини ривожлантириш.
15. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳузуридаги фахрийлар кенгашларини уюшмаган ва тарбияси муаммоли ёшлар билан ишлашга кенг жалб қилиш, уларнинг қонуний манфаатларини, ниятларини рўёбга чиқариш.
16. "Мен Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганаман" шиори остида турли кўргазмали материаллар тайёрлаш ва тарқатиш.

**Давлат гранти ажратилиши учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:**

1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охирги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.
5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.

Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 30 миллион сўмгача.

Ҳужжатлар 2018 йил 15 мартидан 20 апрелгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар **"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди"** номига "Ўзбекистон почтаси" орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100163, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 43-уй.

Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-86.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТАДБИРКОР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**
**"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади**

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ аукцион савдоларига "MEGA NUTS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам 7-тор кўчаси, 58-уйда жойлашган, умумий майдони 2425,0 кв.метр, қурилиш ости майдони 1082,0 кв.метрдан иборат бино ва иншоотлари қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 2 700 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 17 апрель куни соат 15:00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Савдо бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолари 2018 йил 24 апрель, 1, 8, 15, 22 ва 29 май кунлари бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилишидан икки соат олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:
– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
– жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулкий мажмуанинг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмазор филиалидаги 22604000204920609001, МФО: 01121, СТИР: 207122519 х/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Тел: (0371) 228-84-48, 228-80-27. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@mail.ru. Лицензия RR-0001.

Тошкент Ахборот технологиялари университети қошидаги 2-сон академик лицей томонидан 2017 йилда Каримова Хуснора Нозим қизи номига берилган L № 314561 рақамли диплом ва диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2006 йилда Тошева Хосият Бобомуратовна номига берилган B№ 260945 рақамли диплом иловаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Шайхонтоҳур тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" давлат корхонаси томонидан Азимов Суннат Ибрагимович номига Шайхонтоҳур тумани, Зуҳур Қобулов кўчаси, 10-уй учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Кадрлар бош бошқармаси томонидан берилган, ШАҲХ оддий аскар Тиллабоев Сухробжон Абдурасул ўғлига тегишли бўлган С № 0075332 рақамли ҳарбий гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Жиззах политехника институтида ўтказилган анъанавий "Карьера куни" меҳнат ярмаркасида вилоятдаги 67 корхона бўш иш ўринлари билан иштирок этди. "Жиззах" эркин иқтисодий зонасида жорий йилда ўнта лойиҳа амалга оширилиб, 1 минг 800 дан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган. Ярмаркада ЭИЗ дирекцияси барпо этилаётган корхоналардаги янги иш ўринлари билан иштирок этди.**

**● Андижонда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш, бу борадаги ишларни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Кўргазмали семинар доирасида автомобилсозлик саноати учун маҳаллий корхоналарда тайёрланаётган ҳамда четдан келтирилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди. Семинарда маҳаллий корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича муҳим вазифалар белгилаб олинди. Иштирокчилар "GM Uzbekistan" АЖ фаолияти, ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишди.**

**● Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши томонидан "Энг намунали сардорлар кенгаши" кўрик-танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Танловда 8 гуруҳ иштирок этди. Улар "Бу бизнинг ишчанлигимиз, бизнинг фаолиятимиз", "Бизнинг имкониятимиз" ва "Интеллектуал ринг" шартлари бўйича ўзаро баҳслашди.**

**● Нукусда спортнинг бодибилдинг тури бўйича Қорақалпоғистон очиқ чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон бодибилдинг, фитнес ва мас-рестлинг федерацияси Қорақалпоғистон филиали томонидан илк маротаба ташкил этилган очиқ чемпионатда 70 дан ортиқ спортчи 13 вазн тоифасида иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Мисрнинг Гиза шаҳридаги оламга машҳур эҳромлар орасида ғайритабиий равишда саҳналаштирилган "Аида" операсининг премьераси бўлиб ўтди. Уни томоша қилиш учун бу ерга 2800 нафар мухлис ташриф буюрди.**

**● 15 та мамлакатнинг ташқи ишлар вазирлари Америка Қўшма Штатларисиз Транс Тинч океани савдо шериклиги тўғрисидаги келишувни имзолашди.**

**● Россияда Антон Манахов бошчилигидаги бир гуруҳ олимлар "жонли" бинт қандай ишлашини намойиш этишди. Поликапролактан нанотолаларидан ташкил топган янги бинт жароҳат тузалишини тезлаштиради, чандиқ ҳосил бўлишининг олдини олади. Энг муҳими, бундай бинтлар ечиб олинмайди: муайян вақт ўтиши билан улар терига сингиб-сўрилиб кетади.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **16 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 1-3 даража совуқ, кундузи — 9-11 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **16 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-5229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 335
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12596 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 17.10
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ